

**Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.7 (575.1)


Бердияров Бахриддин Тавашарович

**Тижорат банклари актив
операцияларининг даромадлилиги**

Ихтисослик 08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун диссертация**

А в т о р е ф е р а т и



Тошкент - 2002


Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида бажарилган.

- Илмий раҳбар:** Иқтисод фанлари номзоди, профессор
Қоралиев Турабой Маматқулович
- Расмий оппонентлар:** Иқтисод фанлари доктори, профессор
Қодиров Ашур Қодирович
Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Тошмурадов Шухрат Маматқулович
- Етакчи ташкилот:** Минтақавий банк ўқув маркази

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (Тошкент, Я. Колос кўчаси, 16 уй) қошидаги К. 005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2002 йил «17» май куни соат «15⁰⁰» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йил «16» апрел да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби и.ф.н., доц.  А. Усанов

I. Ишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзунининг долзарблиги. Бозор муносабатлари ўз-ўзини молиялаштиришни, бинобарин рентабел ишлашни билдиради. Бу талабдан банклар ҳам мустасно эмас, албатта. Рентабел ишлаш тамойили тижорат банклари актив операциялардан оладиган даромадларини оширишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, пул муомаласи ва кредит соҳасида юзага келадиган кўнгилсиз ҳолатлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Маълумки, тижорат банкларининг кредитлари ҳужалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан биридир. Бундан ташқари тижорат банклари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви натижасида банкрот бўлиш эҳтимоли корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатига кучли салбий таъсир кўрасатади ва натижада улар томонидан банк тизимига нисбатан ишончсизликни юзага келтириши мумкин.

Шу сабабли тижорат банклари олдида бозор конъюнктура ўзгариш талабига мослашган ҳолда барқарорликка эришиш ва банклараро рақобат курашига бардош бериб ривожлана бориш вазифаси қўйилмоқда. Бу тижорат банкларининг активларни бошқариш самардорлигини оширишни, улар даромадлари барқарор ўсишини таъминлаш ва умуман, банк молияси моҳирона бошқарилишини талаб этади. Банк активларининг йил сайин ўсиши, улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистонда банк активларининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбати 2001 йил 1 январь ҳолатга кўра 56 фоизни ташкил этди!» Бу банклар қўлида катта активлар борлигидан далолат беради. Шу боисдан улар даромадлилигини ошириш кун тартибига қўйилди. Гап шундаки, тижорат банкларининг бозор иқтисодиёти шароитида молиявий аҳоли барқарор муассасалар бўлиб қолиши, фавқулодда юзага келадиган конъюнктура ўзгаришларига мослашиш учун барқарор даромад манбаларига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, фавқулодда юзага келадиган харажатларнинг ўсиши, уларни банк даромадлари ҳисобидан қоплай олмаслик, банкнинг молия бозоридagi обрў-эътиборига путур етказди. Молиявий беқарорлик банкдан миқозларнинг кетиб қолиши натижасида ресурслар базасининг заифлашиши ҳамда пул бозоридан банкнинг депозитларни жалб қилиш имкони чеклаб қўйилишига сабаб бўлади.

Банк активларини таҳлил этиб унинг даромадлилигини билиш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам аҳамият касб этади. Шу туфайли тижорат банкларининг актив операциялардан оладиган даромадларини ўрганиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари активлари-

¹ И.А.Каримов, Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. / Халқ сўзи 2001 йил 17 февраль.

дан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этишда етакчи хорижлик иқтисодчи олимларнинг, жумладан, Диана МакНотон, Д. Полфреман, С. Питер Роуз, Т. Коулленд, Е. Фейм, Ф. Форд, Д. Ходжемен, Э. Рид, Р. Коттер, Дж. Синки, Э. Долан, С. Фишер кабиларнинг ишлари муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари молиясининг даромадлилик нуқтаи-назаридан ўрганишда МДХнинг етук иқтисодчи олимларидан Бор М.З., Геращенко В.В., Грязнова А.Г., Иришев Б. К., Наумченко О. В., Жуков Е.Ф., Красавина А.Н., Колесников В.И., Лаврушин О.И., Лапидуса М.Х., Мамонова И.Д., Панова Г.С., Севрук В.Т., Соколинская Н.Э, Усоскин В.М., Уткин Э.А., Черкасов В.Е., Ширинская З.Т. ва бошқаларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбек иқтисодчи олимлари Ш.З. Абдуллаева, С.А. Бержанов, Т.И. Бобоқулов, Т.С. Маликов, Д.Ф. Ғоziбеков, О.О. Олимжонов, Т.М. Коралиев, А.Қ. Қодиров, В.А. Тен, Ш.М. Тошмуродов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк тизими, хусусан тижорат банклари самарали ишлаши масаласига оид умумий фикр мулоҳазаларни асослаб беришган. Бироқ, тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги ханус махсус таҳлил этилганича йўқ.

Матбуотда тижорат банклари фаолиятининг у ёки бу соҳаларига оид мақолалар кўплаб эълон қилинмоқда. Лекин, тижорат банкларининг актив операциялари даромадлилиги мустақил тадқиқот предмети сифатида атрофлича ўрганилмаётир. Ҳолбуки, тижорат банклари молиясини бошқаришдаги талайгина муаммолар ҳозирги кунда ўз ечимини кутади. Хусусан, тижорат банкларининг актив операциялари даромадлилигини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш йўларини тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга оид давлат дастурларини илмий жиҳатдан асослаш талаб қилинади. Бу банк амалиёти учун кундалик жорий ҳаракат дастурларини яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда республикамиз Президенти акад. И.А. Каримовнинг «Усувор вазибалардан яна бири кредит-молия тизимининг барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлашдир»¹, - деган фикрларига эътиборни қаратиш зарур.

Тадқиқот ишининг мақсади тижорат банкларининг актив операциялардан оладиган даромадларига хос йўналишларни илмий асослаш, уларни ошириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун **тадқиқотда қуйидаги вазибалар** белгилаб олинди ва ҳал этилди:

- таҳлил асосида тижорат банклари активларининг таснифланиш мезонларини аниқлаш;
- тижорат банклари даромадларининг манбалари ва улар тарки-

¹ И.А. Каримов "Ислоҳотлар изчиллиги - инсон манфаатлари омили". Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, 5-том. - Т.: 1997. - 384 б.

бининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

- тижорат банкларининг актив операциялари даромадлигини ошириш йўллари борасидаги асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;

- тижорат банклари активларининг даромадлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- банк активлари таркибининг таҳлили асосида уларни даромадлигига кўра бошқаришни илмий жиҳатдан асослаш;

- банк даромадлигини бошқариш мақсадида активларни самарали бошқариш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти республика миқдоридаги бир қатор тижорат банклари актив операциялари ҳисобланади.

Диссертация ишининг предмети бўлиб, тижорат банклари активларининг даромадлигини ошириш ва шу асосида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга оид илмий масалалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, академик И.А.Каримов асарларида илгари сурилган иқтисодийётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича назарий қарашлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонулар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда республика Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, классик иқтисодчиларнинг, ҳозирги хорижлик ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг банк иши таҳлиliga оид илмий-услубий ёндашувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади. Шунингдек, диссертация ишида воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларида, ҳусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қийсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

— банк активларини таснифлаш мезонларига аниқлик киритилиб, мавжуд таснифлаш мезонларини қўлашдаги камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклиф ишлаб чиқилди;

— тижорат банки даромадларининг таркиби, турлари ва манбаларига таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари: фоизли даромадларнинг банк ялпи даромадидаги салмоғи кичиклиги; банкларнинг ресурс базаси заифлиги; банклар фаолиятини тартибга солиш амалиётида ликвидли активларни юқори даражада сақланиб қолишлиги; қимматли қоғозлар ва валюта операцияларидан келадиган банк даромадлари пастлигича қолаётгани аниқланди;

— Ўзбекистон тижорат банклари даромадларини шаклланишига хос тенденциялар сифатида қуйидагилар аниқланди: а) трансакцион депозитларнинг йирик миқдорда эканлиги ва кассали активларнинг амалдаги таркибий тузилиши шароитида, тижорат банкларига нисбатан жорий ликвидлилик коэффициентининг қўлланилиши, уларнинг сўмдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб varaғида катта миқдордаги пул маблағининг

тўпланишига олиб келмоқда; б) йирик банклар кредит портфелини диверсификация даражасининг пастлиги кузатилади; в) фоиз маржасининг оқори бўлиши муддатли депозитларга тўлайдиган фоиз ставларини ошириш йули билан ресурс базаларини мустаҳкамлаш имкониятининг мавжудлигидан далолат беради; г) муаммоли ссудаларни ўз вақтида қайтмаслигининг асосий сабаби, мижозларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади;

— тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган: а) таснифлаш мезонларини такомиллаштириш мақсадида қимматли қоғозларни ликвидлилик даражасига кўра таснифлаш, кассали активларни таснифлаш тизимига янгилек киритилди; б) ҳужжатлаштирилган аккредитив ва ҳужжатлаштирилган инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблардан олинadиган банк даромадларини ошириш юзасидан амалий таклиф ишлаб чиқилди; в) Ўзбекистон тижорат банкларини даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида лизинг, факторинг ва форфейтинг операцияларини амалиётга кенг жорий этиш зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди;

— банк активларининг таркиби комплекс таҳлил этилган ва уларни даромадтилик нуқтаи-назаридан гуруҳлаштириш банк молиясини бошқаришнинг замонавий тизимига хос бўлган тартиби илмий жиҳатдан асослаб берилган;

— тижорат банклари даромадлилигини бошқариш жараёнига бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда объектив баҳо бериш мақсадида банкнинг актив ва пассив операцияларининг «тўловли» ва «позицион» операциялардан иборат таснифи таклиф этилган ва шу асосда активларни самарали бошқариш мезонлари ёритилган.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги таклифлар ва тавсиялардан мамлакат тижорат банклари даромадларини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Ишнинг асосий гоялари тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда наф келтириши мумкин.

Ишдаги илмий-назарий гоялар олий таълим тизимида «Банк иши», «Банк менежменти», «Тижорат банклари активларини бошқариш», «Банк рискларини бошқариш», «Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш», «Банк фаолиятининг таҳлили ва назорати» каби махсус курсларда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиниши. Диссертация ишининг асосий хулосалари, ундаги таклифлар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 1999 йил 19 майда ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда, 2000 йил 25 майда ўтказилган «Ўзбекистон банк тизимини эр-

кинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда, 2001 йил 30 майда бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда, 2000 йил 4-6 декабрда Москвада ўтган «Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда, 2001 йил 4-6 июлда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссияси билан биргаликда Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказган аспирантлар, докторантлар ва тадқиқотчиларнинг V республика илмий конференциясида, 2002 йил 12 мартда Санкт-Петербургда ўтган «Актуальные проблемы экономики и новые технологии преподавания» мавзуидаги халқаро-илмий амалий конференцияда, 2000 йил 19-20 апрелда Фарғона Давлат университетининг 70-йиллигига бағишланган «Иқтисодий эркинлаштиришнинг минақавий муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузаларида, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент Молия институти ва Банк-молия академияси илмий семинарларида апробация қилинди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг 4.3.4.2. «Монетар сиёсат: мақсади ва амалга ошириш истиқболлари» (1999), 1.6.2.3. «Банк тизимини эркинлаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзуларида (2000-2001 йй.) илмий-техникавий ва фундаментал тадқиқотларни бажариш учун Давлат буюртмаси бўйича илмий-тадқиқот ҳисоботларида, «Марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти асосларига ўтишнинг ўзбекча модели» мавзуи асосида Давлат дастурининг «Банк тизимининг ҳолати, стратегияси ва ривожланиш механизми» мавзуи бўйича тайёрланган ҳисоботида акс этирилган ва ҳисобга олинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Илмий ишнинг асосий илмий ғояси, амалий тасвиялари умумий ҳажми 3,8 б.т. бўлган бешта мақола, олти (шу жумладан иккита хорижда) тезислар тарзида матбуотда чоп этилган.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Диссертация — кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Кириш қисмида тадқиқ этилган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти ёритилган.

Ишнинг биринчи — **Тижорат банклари активлари ва даромадлари моҳияти** бобида тижорат банклари активларининг моҳияти очиб берилган ва уларни таснифлаш ҳозирги мезонларни танқидий асосда такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ушбу бобда тижорат банклари даромадларини шаклла-

ниш жараёнлари таҳлил қилинган ва иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида уларга таъсир қилувчи омиллар аниқланган.

Ишнинг иккинчи — **Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилигини таҳлили** бобида тижорат банкларининг актив операциялари даромадлилиги таркибий, қиёсий, коэффициентлар усули, операцияларнинг қиймат усули асосида таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи — **Иқтисодий эркинлашуви шароитида тижорат банклари даромадлилигини бошқариш тизимини такомиллаштириш** бобида тижорат банклари даромадлилигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларининг актив операциялардан олинган даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертация ишнинг **хулоса қисмида** тадқиқот натижасида хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклифлар умумлашган ҳолда ифода этилган.

II. Тадқиқотнинг асосий мазмуни

Тижорат банкларининг актив операциялари, бу банк томонидан максимал даражада фойда олиш мақсадида маблағларни жойлаштириш бўлиб, унга кредитлар бериш, қimmatли қoғoзларни сотиб олиш, хўжалик субъектларининг капиталида иштирок этиш, траст, факторинг, форфейтинг, лизинг хизмати кўрсатиш кабилар кирлади.

Таҳлиллар кўрсатишича, тижорат банкларига юқори даромад келтирувчи операцияларнинг рисклилиги даражаси ҳам юқориликдир. Бунинг устига рисклилиги ва ликвидлилиги ўзаро зид бўлади. Шу боис тижорат банки максимал фойда олиш мақсадида ўзининг ликвидлилиги даражасига эришиши лoзим. Айнан мана шу Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун долзарб муаммолардан бирига айланган.

Амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикамизнинг йирик тижорат банкларининг асосий қисмида кассали активларнинг жами банк активлари ҳажмидаги салмоғи 15-17 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса халқаро андозаларга нисбатан жуда юқори кўрсаткич бўлиб, тижорат банкларининг даромадлилиги даражасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Ғарбий Европадаги Дойче банк, Барклайз банк, Сосете Женерал, Рабобанкда ушбу кўрсаткичнинг ўртача миқдори 3-5 фоизни ташкил қилади, холос.

Муаллиф фикрига кўра Ўзбекистонда айрилган кўрсаткични юқори бўлишини бир қатор омиллар юзига келтиради:

1. Тижорат банклари пасивларининг амалдаги таркиби Ўзбекистон Марказий банки томонидан ўрнатилган жорий ликвидлик коэффициенти қўлланиши натижасида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитлар банклар баланси пасивида жуда юқори улуғини ташкил этади. Жорий ликвид-

лик коэффициенти эса бевосита трансакцион депозитларга нисбатан белгиланган. Ликвидли активлар таркибига эса асосан учта элемент киритилган, яъни касса, «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамларининг қолдиқлари ва Давлатнинг қисқа муددатли облигациялари (ДҚМО)га қилинган инвестициялар. Таҳлил натижаларидан кўринадикки, кассадаги нақд пулларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи 4-5 фоиздан ошмайди. Давлатнинг қисқа муددатли облигацияларига қилинган инвестициялар эса жуда кичик салмоқни ташкил этади. Масалан, 2001 йил 1 январ ҳолатига ДҚМОга қилинган инвестициялар Савдогарбанкда 0,65 фоизни, Саноатқурилишбанкда 7,69 фоизни, Уйжойжамғармабанкда эса 7,23 фоизни ташкил қилди.

Демак, тижорат банклари жорий ликвидлилик коэффициенти талабларига роия этиш учун «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамларида йирик миқдордаги пул маблағларини сақлаб туришга мажбурдирлар.

2. Тижорат банкларининг кредит потенциалига салбий таъсир этувчи мажбурий заҳира талабномаларининг мавжудлиги.

2000 йилнинг май ойидан бошлаб тижорат банкларида миллий валюта-нинг барча турдаги депозитлари учун 20 фоиз миқдорда мажбурий заҳира талабномаси жорий этилди. Бу эса тижорат банклари активларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир этади. Натижада тижорат банкларининг кредитлаш ва инвестициялаш имконияти 20 фоизга қисқаради. Айни пайтда Марказий банк мажбурий заҳира ажратмасига фоиз тўламайди. Холбуки, Италия, Испания ва Туркия Марказий банклари мажбурий заҳира ставкаси юқори бўлганлиги сабабли уларга фоиз тўлайди.

3. Тижорат банклари амалдаги ресурслар доирасида активларни самарали жойлаштириш имкониятидан кенг қўламда фойдаланмайди.

Ана шундай имкониятлардан бири тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикада тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилган инвестицияларининг 97-100 % ДҚМОга қилинган инвестицияларга тўғри келади. Қолган 2-3% инвестициялар эса ҳиссали иштирок тарзидаги инвестициялар бўлиб, бунда банклар корхоналарнинг устав капиталлида иштирок этадилар. Демак, қимматли қоғозларни сотиш-сотиб олиш воқитида амалга оширадиган операциялар амалда мавжуд эмас.

Ишда банк активларини таснифлаш мезонлари танқидий асосда ўрганилди ва шундай хулосага келинадикки, банк активларини таснифлашда бирламчи мезон сифатида уларни ликвидлилик даражасига ва риск даражасига кўра таснифлаш талаб қилинади.

Банк активлари ликвидлилик даражасига кўра тўрт йирик гуруҳга бўлинади: 1. Кассали активлар. 2. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар. 3. Суудалар. 4. Асосий воситалар.

Маъмур тарзда активларни ликвидлилик даражасига кўра гуруҳлаш халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади. Ҳозир молиявий таҳлилга

бағишланган иктисодий адабиётларда ана шундай гуруҳлаш қўлланилади. лекин, бизнинг фикримизча, мазкур таснифлаш мезониди банк активларининг асосий турларига нисбатан ликвидлилик даражасидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинмаган, чунки банкларнинг ҳиссали иштирок тарзида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ликвидлилик даражасига кўра ссудалардан паст бўлиш мумкин. Айрим банклар қимматли қоғозларни ҳиссали иштирок йўли билан сотиб олган, лекин дивиденд кўрилмаган ва тибийки, уларни бозорда сотиш муаммоси мавжуд. Бизга маълумки, айрим эмитентларнинг туловга қобиллигига нисбатан ишончсизликнинг мавжудлиги уларнинг қимматли қоғозларига нисбатан маълум вақт оралиғида талабнинг юзага келмаслигига сабаб бўлади. Шу сабабли бизнинг фикримизча бундай қимматли қоғозлар алоҳида олиниб, уларнинг ликвидлилик даражасини учинчи тоифага мансуб бўлган мижозларга берилган кредитлар билан тенглаштириш лозим.

Банк активларини рисклилик даражасига кўра таснифлашда халқаро Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган мезонга кўра, банк активлари тўртта риск гуруҳига ажратилади:

1. Риск даражаси 0 % га тенг бўлган активлар.

Бу активларга кассадаги нақд пуллар қолдиғи, банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамининг дебитли қолдиғи, ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари, Марказий банкдаги қайта ҳисобга олинган тратталар киради.

2. Риск даражаси 20 % га тенг бўлган активлар.

Бу гуруҳга ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозлари, корхоналарнинг ҳукумат томонидан қафолатланган қимматли қоғозлари, банкнинг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамларидаги қолдиқлари, инкассация жараёнидаги пул маблағлари ва бошқа шу каби активлар киради.

3. Риск даражаси 50% га тенг бўлган активлар.

Бунга ипотека билан таъминланган ссудалар, бошқа банкларнинг қимматли қоғозлари киради.

4. Риск даражаси 100 % га тенг бўлган активлар.

Бундай активлар гуруҳига, асосан, тижорат қимматли қоғозлари, мижозларга берилган ссудалар, банкнинг асосий воситалари каби активлар киради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикаимиз тижорат банкларида 10301 «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамида нисбатан узоқ муддат мобайнида йирик миқдорда пул маблағларининг тўпланиб қолиши юз бермоқда. Бу эса уларни инфляцияга учраш даражасини оширмоқда.

Инфляция даражасининг бирмунча юқори эканлигини ҳисобга олиб, банкларнинг 10301 ҳисоб рақамидаги қолдиқларига нисбатан 5 фоизли риск даражасини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу маблағларни йирик миқдорда эканлигини ва республи-

ликамизда инфляция даражаси 25-26 % миқдорида бўлишини ҳисобга олиб минимал даража —5 фоизни жорий қилиш лозим, деб ўйлаймиз.

Тижорат банкларининг даромади бизнинг назаримизда, қўшилган қийматни қайта тақсимлаш натижасида вужудга келади, аммо уларнинг иқтисодий мазмуни тўғрисида фикр билдирилаётган пайтда банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Тижорат банклари ўзларининг фаолиятлари давомида хизматлар кўринишида маҳсулот яратадилар ва улар гоёат хилма-хилдир. Биринчидан, ана шундай хизматлардан бири воситачилик, улар мижоз маблағларини сақлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, кредит бериш ва ҳоказолар билан боғлиқдир. Иккинчидан, лизинг операциялари, хўжалик фаолиятининг таҳили, маслаҳатлар бериш ва бошқа хизматлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни, бизнинг фикримизча, илмий-техникавий маҳсулотларга тенглаштириш мумкин.

Ҳозирги шароитда банкнинг фоизли даромадлари кўпинча кредитларни бериш орқали олинadиган фоизлар ҳисобидан шаклланади. Худди шу боисдан бўлса керак, жуда кўп иқтисодий адабиётларда олинган фоизлар тижорат банкларининг даромадлари сифатида талқин қилинаётир. Бизнинг фикримизча, банк даромадларини бу тарзда талқин этиш етарли асосига эга эмас, чунки, берилган кредитлар учун олинган фоизлар кредитлар бўйича даромад ва банк даромадининг фақат бир қисми ҳисобланади.

Банк актив операцияларининг энг асосийси кредит бўлар экан, ундан олинган даромад, жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлар бўйича олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича банк томонидан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир.

Тижорат банкларининг фаолиятига диққат билан назар соладиган бўлсак, банк пул маблағларини мижозларга жойлаштиришдан олинган фоизлар банк фаолиятдан олинган даромадларга мос тушишини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда барча операциялар бўйича тижорат банкининг даромади пул маблағлари тушуми билан ўша операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат эканлиги ҳам эсдан чиқмаслиги лозим. Маълумки, тижорат банклари ҳисоб-китоб операцияларини, ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш ва фонд операциялари бўйича ҳам маълум даромадга эга бўладилар. Бизнинг назаримизда, ушбу операциялар бўйича тижорат банкларининг даромадлари комиссия мукофотлар (йигимлар, тўловлар) ва моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлиши, шубҳасиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўз маблағларини қимматли қоғозларга жойлаштиришдан олинган дивидентлар кўринишида ҳам даромадга эга бўлишлари мумкин.

Юқорида баён қилинганлардан кўришиб турибдики, тижорат банкларининг даромади улар фойдасидан фарқли ўлароқ мураккаб

табиатга эга. Аслида эса тижорат банкларининг даромади банк ихтиёрига келган тушум билан моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат.

Банклар даромадини фоизли ва фоизсиз даромадларга ажратиш мумкин (1-чизма).

1-чизма.



Тижорат банкларининг кредити фоизли даромадларнинг асосий тури ҳисобланади (1-жадвал).

Баъзи тижорат банклари фоизли даромадларининг таркиби ва динамикаси, (%)

Даромад турлари	Савдогарбанк		Саноатқурилиш-банк		Уйжойжамғарма-банк	
	1999	2000	1999	2000	1999	2000
Берилган кредитлардан келган даромадлар	84,68	99,48	90,46	84,44	96,10	98,38
Бошқа банкларга берилган маблағлар бўйича даромад	0,22	0,49	0,25	0,6	1,02	1,04
Қимматли қоғозлар билан операциялардан даромад	2,38	-	3,48	6,24	1,64	0,58
Бошқа фоизли даромадлар	12,72	0,03	5,81	8,72	1,24	-
Жами фоизли даромадлар	100	100	100	100	100	100

Манба: Тегишли тижорат банкларининг ҳисобот материаллари. — Т., 2002 йил 15 февраль.

Жадвал маълумотларидан хулоса қилсак, банкнинг асосан фоизли даромадлари кредитлардан шаклланди дейишга тўла асос бор. Бунда шунини таъкидлаш зарурки, банкларнинг фоизли даромадларини таҳлил қилиш жараёнида, бошқа банк ва кредит муассасаларига берилган маблағлардан ҳамда қимматли қоғозлар операцияларидан олинган даромадларнинг камайиши кузатилади. Бундан маълум бўладики, банклар фақат мижозларга кўрсатилган хизматлардан ўз даромадини шакллантираётган экан.

Шу нуқтага назардан тижорат банкларининг даромадларини шакллантиришда асосий аҳамият касб этадиган муҳим омил банкларнинг маблағларини даромадли активларга жойлаштириш билан хусусиятланади. Шу мақсадда тижорат банклари активларининг таркибини таҳлил этиш муҳимдир. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, тижорат банклари активларининг таркибида даромад келтирадиган активлар аниқроқ қилиб айтганда, маблағларни кредит операцияларга жойлаштириш салмоғи Савдогарбанкда жами активларнинг 2001 йил 1 январ ҳолатига 62,04 фоизни, 2000 йил 1 январ ҳолатига 40,06 фоизни, Саноатқурилишбанкда эса мос равишда 56,27; 58,83%ни ёки бўлмаса 2001 йилда 1 январ ҳолатига 2000 йил 1 январ ҳолатига қараганда 21,98 пункт ошқ маблағлар кредит қўйилмаларга йўналтирилган.

Банкнинг даромадлигини таъминловчи манбалардан яна бири қимматли қоғозлардан келадиган даромадлардир. Қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар Савдогарбанкнинг жами активлари таркибида 2001 йил 1 январ ҳолатига бор йўғи 0,65 фоизни ташкил қилди. Бундай натижалар Ўзбойжамғармабанкни активлари таркибида 7,19 %ни, бу эса қимматли қоғозлар портфелига мумкин қадар кам маблағ қўйилганлиги, бу банк бўйича юқори даромадли қимматли қоғозларга ўз маблағларини жойлаштиришга етарли эътибор берилмаётганлигидан далолат беради.

Тижорат банклари даромал келтирувчи активларининг ўртача даромадлигини қуйидагича ҳисоблаш мумкин¹.

$$I_a = \frac{E}{A_{cp}} * \frac{K}{t}$$

бунда,

E — маълум t- кунларда банкнинг актив операцияларидан олинган даромади;

A_{cp} — даромал келтирувчи актив маблағларнинг ўртача қолдиғи;

K — йил мобайнидаги ҳисобга олинган кунлар сони.

Буни тегишли тижорат банклари мисолида кўриб чиқсак қуйидаги нагижани оламиз (2-жадвал).

2-жадвал

Тижорат банклари активларининг ўртача йиллик даромадлиги, %

Кўрсаткичлар	Савдогарбанк		Саноатқурилиш-банк		Ўйжойжамғарма-банк	
	1999	2000	1999	2000	1999	2000
Мижозларга берилган кредитлар	30,0	26,6	34,1	34,62	29,5	31,61
Бошқа банкларга берилган кредитлар ва қўйилмалар	10,94	14,36	10,27	8,16	9,75	11,22
Ҳиссали штирок тарзидаги инвестициялар	3,45	4,50	3,4	4,25	5,42	4,96
Қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар	3,38	6,46	1,84	0,03	3,87	4,55

Манба: Тегишли тижорат банкларининг ҳисобот материалари. — Т., 2002 йил 15 февраль.

Усиш суръатларига кўра, мијозларга берилган кредитларнинг фозиздаги даромадлиги юқори ўринни эгаллайди, ундан кейинги ўринда бошқа банкларга берилган кредитлар ва қўйилмалар эгаллайди. Банкларнинг инвестицияларга жойлаштирган маблағлардан олинган даромади ўтган йилга нисбатан ошган бўлса ҳам банкларнинг инвестицион фаолиятини қониқарли деб баҳолаб бўлмайди.

Кредит операцияларининг даромадлигини аниқлаш учун, банк активларининг муқобил даромадлигини кўриб чиқиш лозим, биринчи навбатда, ссуда фозизининг қуйи чегарасини билиш актив операция ниҳоясида банк харажатларини қоплаш имконини беради. Унинг миқдорий таҳлилида халқаро банк амалиётида кенг қўлланилиб келаётган банк хизматлари ички қийматини ҳисоб-китоб қилиш услубидан ёки бу банк даромадларининг «қуйи нуқтаси» деб номланган усулидан кенг фойдаланилади.

Даромадларининг «қуйи нуқтаси» кўрсаткичи, банк фаолиятдан

¹ Иванов В.В, Анализ надежности банка. - М.: РДЛ. 1996. - 320 б.

келган соф даромад бўлиб, бу хорижий тижорат банкларида кенг қўлланиб келаётган кўрсаткичдир, чунки у банкнинг минимал даромад олип маржасини кўрсатади, актив ва пассив операциялари ставкаси бўйича бундай тафовут бўлиши, банк учун зарур харажатларни қоплаш имконини беради.

Таҳлил жараёнида банк активларининг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: биринчидан, тижорат банкларининг сезиларли қисмида фоизли даромадларнинг банк ялли даромади ҳажмидаги салмоғи халқаро банк амалиёти андозалари даражасида эмас, яъни кичик; иккинчидан, республикамиз тижорат банкларининг ресурс базаси сезиларли даражада заифлигича қолмоқда; учинчидан тижорат банклари жорий фаолиятини тартибга солишнинг амалдаги тизими банкларда ликвидли активларнинг нисбатан юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда; тўртинчидан, тижорат банклари фаолияти асосий йўналишлари бўлган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ва валюта операцияларини амалга оширишдан келадиган банк даромадлари кичиклигича қолмоқда.

Муддагида қайтмаган ва банк даромадлилигига жиддий таъсир кўрсатаётган ссудаларни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шунга кўрсатдики, унинг асосий сабабларидан бири мижозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш тизимидаги камчиликлардир.

Ҳозирги кунга қадар мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш асосан уч асосий кўрсаткич асосида амалга оширилади. Булар — қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидир. Ушбу кўрсаткичлар кредитга лаёқатлилигининг асосий омили бўлган пул оқимини баҳолаш имконини бермайди. Ҳолбуки, пул оқими заиф бўлган мижозлар кредитни қайтаришда жиддий қийинчиликларни бошдан ўтказишади. Бундан ташқари республикамиз банк амалиётида ҳозирги кунга қадар кредит олувчининг шахси асосий кузатув объекти сифатида ўрганилмайди. Ваҳоланки, ҳар бир мижоз шахси бўйича маълумотлар тўплаб борилиши мижознинг кредит тарихини ўрганиш, унинг обрўи, шаъни (репутацияси)га баҳо бериш зарур. Бунинг натижасида мижознинг ўз мажбуриятини бажаришга бўлган масъулияти аниқ бўлади.

Бу ишнинг муҳимлиги шундаки, кредитлаш жараёни билан юзаки таниш корхона ёки тадбиркор реал бизнес-режа ишлаб чиқишга ва уни амалга оширишга қодир бўлмайдилар, улар шахсий имкониятларини баҳолашга тайёр эмаслар, бозорни зарур даражада ўрганиб чиқмайдилар, кредитдан мақсадли фойдаланмайдилар ва банк олдида масъулиятни ҳис қилмайдилар. Бундай қарз олувчилар кредитларга доир тўловларни кечиктириш ёки уларни қайтармаслик билан фақат банккагина эмас, балки худди унинг ўзи каби тадбиркорлар ёки ташкилотларга зарар етказаяётгани ҳақида ўйламайди.

Кредитни ўз вақтида қайтариш жараёни уни қандай мақсадларга олинаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айрим мижозлар кредитни бошқа тadbирларни молиялаштириш мақсадларига ишлатадилар. Натижада олинган пул тушуми кредитни қайтариш имконини бермайди. Фақат республикаميزдагина эмас, балки хорижий мамлакатлар банк амалиётида ҳам кредитни қайтариш имкониятига эга бўла туриб, уни қайтармайдиган мижозлар учрайди. Улар атайин баланс ҳисоботларида пул оқимини пасайтириб кўрсатади.

Пул маблағлари билан боғлиқ инқирозлар тўсатдан юзага келади, лекин у аста-секин ривожланиб боради. Унинг ривожланиб бориш жараёнида илгаш қийин бўлган ички ва ташқи белгилар намоён бўлади. Банк этилиб келаётган инқирознинг дастлабки белгиларини илгашлари ва таҳлил қилиши керак. Бунинг учун мижознинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур. Аммо шунини унутмаслик лозимки, ҳар қандай баланс маълумоти ўтмишни тавсифласа-да, мижознинг фаолиятида келгусида юзага келадиغان ҳодисаларни акс эттирмайди.

Шу сабабли банклар таҳлил асосида маблағларидан самарали фойдаланишга қодир бўлган ва бунга тайёр турган мижозларни фаол равишда излаши керак. Банк билан унинг мижози ўртасида амалий алоқаларнинг ўрнатилиши катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда айрим ҳодисалар гувоҳлик беради. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар хом-ашё сотиб олиш учун маблағлари йўқлиги сабабли ишсиз туриб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар эса айнан шу сабабга кўра уларга ўзларининг маҳсулотларини сотмайдилар. Шундай шароитда банк корхонанинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини таҳлил қилиб, унинг хом-ашё сотиб олишини молиялаштириши мумкин. Банклар ўта зудлик билан кредитга бўлган талабни ўрганган ҳолда қарз олувчилар билан ўзаро манфаатли асосда алоқа ўрнатса, иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин.

Диссертация ишини ёзиш жараёнида амалга оширилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республикаميزнинг йирик тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кассали активларнинг, яъни даромад келтирмайдиган ва даромаллилик даражаси паст бўлган активларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда.

2. Мамлакатимизнинг бир қатор банкларида фойзли даромадлар банк ялпи даромадининг асосий қисмини ташкил қилмайди. Ҳолбуки, дунёнинг етакчи тижорат банклари тажрибаси кўрсатишича ялпи даромаднинг 75-80 %и фойзли даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

3. Республикамиз банкларида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйил, форворд операцияларини амалга ошириш каби актив операциялардан олинадиган даромад даражаси жуда ҳам паст.

4. Банк активларини таснифлашда уларнинг ликвидлиги ва риск даражасига қўшимча равишда активлар даромадлилиқ даражасини ҳам қўллаш зарур.

5. Тижорат банклари активларининг даромадлилиқ даражаси чега-раларини белгилашда даромадлилиқнинг «қўйи нуқтаси»ни аниқлаш учун молиявий таҳлилнинг операцион-қиймат усулидан кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

6. Республикамизда мавжуд мажбурий заҳира талабномалари, пас-сивларнинг амалдаги тартиби ва Марказий банк жорий ликвидлилиқ коэффициенти банкларнинг «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамларида йи-рик микдорда пул маблағларининг тўпланиб қолишига олиб келмоқда.

7. Республикамиз тижорат банклари кредит қўйилмаларининг асо-сий қисми қисқа муддатли кредитларга тўғри келади. Бу инфляция юқори бўлган шароитда табиий ҳол ҳисобланади. Лекин республика-мизда инфляция даражасининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги банкларга ўрта ва узоқ муддатли кредитлашни ривожлантириш йўли билан барқарор даромад олиш имкониятини беради.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари активларининг даромад-лилиқ даражасини оширишга қўйидагилар хизмат қилиши мумкин.

1. Тижорат банклари активларини амалдаги таснифлаш мезонла-рини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

— айрим тоифадаги қимматли қоғозларни уларнинг ликвидлилиқ даражаси учинчи тоифага мансуб бўлган мизожларга берилган кре-дитлар билан тенглаштириш лозим, чунки ҳиссали иштирок тарзида сотиб олинган қимматли қоғозлардан дивиденд олинмаган ва биноба-рин уларни бозорда сотиш жуда қийин;

— республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида 10301 ҳисоб рақамида маълум вақт мобайнида йирик пул маблағларининг тўпланиб қолганлигини уларни инфляцияга учрашига олиб келмоқда. Шунинг билан олган ҳолда банкларнинг 10301 дебитли қолдиғига нисбатан 5 фоизли риск даражаси белгилаш.

2. Банк активларини туркумлашда кенг қўлланиладиган мезонлар-ни эътироф этган ҳолда, активларни даромадлилиқ даражасига кўра таснифлашни уларни риск даражасига кўра таснифлаш билан узвий алоқадорлиқда ўрганиш ва амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таснифловчи кўрсаткичлар ти-зимининг қисми, шунингдек, банк активлари ва пасивларини бошқаришнинг асосий усули бўлган актив ва пасивлар таркибини оқилона мувофиқлаштириш усули айнан мазкур икки таснифлаш мезо-ни фарқли таъминланади.

3. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлардан оладиган даро-мадларини ошириш мақсадида қимматли қоғозларга қилинган инве-

стициялар ҳажмини эмитентларнинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш натижасига қараб кўпайтириш лозим.

4. Ҳужжатлаштирилган аккредитив ва ҳужжатлаштирилган инкассо воситасида тўловларни амалга ошириш жараёнида банкнинг иштирокини кучайтириш йўли билан банк даромадини ошириш мумкин бўлади.


5. Банкларда депозитларга тўланалиган фоиз ставкасини ошириш йўли билан фоиз маржасини қисқартириш ва шу асосда банкнинг кредит потенциалини кучайтириш, унинг даромадлилигини ошириш мумкин.

6. Лизинг, факторинг ва форфейтинг операциялари ҳажмини ошириш лозим. Бунинг учун банкларда махсус бўлимлар ташкил қилиш ва уларга қучли малакага эга мутахассисларни жалб қилиб, аналитик иш жараёнини кучайтириш керак. Бу операциялар юқори даромадли бўлиш билан бирга юқори рискли ҳамдир. Шунинг учун таҳлил чуқур ва ҳар томонлама амалга оширилиши лозим.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги илмий ишларда баён этилган

1. *Анализ активов коммерческого банка.* «Актуальные проблемы экономики и новые технологии преподавания» Смирновские чтения / Тезисы международный научно-практической конференции (12 марта 2002 г., г. Санкт-Петербург) — СПб.: Международный банковский институт, 2002. —39-40 с.
2. *Тижорат банклари активлари муаммолари.* // Бозор пул ва кредит, - Т.: 2001. - №11, 3-4 б.
3. *Методические вопросы разработки оценочных показателей эффективного управления активными операциями коммерческих банков в инвестиционном аспекте.* // Обзор финансового рынка Узбекистана, - Т.: 2001. - №4, 13-14 с. (в соавторстве).
4. *Тижорат банклари активларини бошқаришдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.* Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан биргаликда Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Мустақиллиги – унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати» мавзусида аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг V республика илмий конференцияси – Т.: 4-6 июль 2001.
5. *Оптимизация управления активными операциями коммерческих банков.* // Рынок деньги и кредит, -Т.: 2001. - № 11, 3-4 с. (в соавторстве).

6. *Кредитная политика коммерческих банков в сфере малого бизнеса.* Материалы Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы либерализации и применение международного опыта в процессе реформирования банковской системы Республики Узбекистан» – Т.: Молия, 2001. – 75 с. (в соавторстве).
7. *Тижорат банклари инвестицион фаолияти.* // *Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси*, -Т.: 2000. -№3. -32-35 Б.
8. *Анализ доходности банка.* «Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений» / Тезисы докладов Международной научно-практической конференции – М.: Рос. экон. акад., 2000. – 19 с.
9. *Банкларнинг инвестициядан оладиган даромадлари.* «Ўзбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: «Молия», 2000. – 16 б.
10. *Тижорат банклари даромад базасини мустаҳкамлаш йўллари.* «Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари» Фарғона Давлат университетининг 70-йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2-қисм) 19-20 апрель 2000 йил. – Фарғона: 108 б.
11. *Создание резервов на случай возможной потери активов коммерческих банков.* Материалы Международной научно-практической конференции «Актуальный вопросы совершенствования банковско-финансовой системы Республики Узбекистан и ее интеграции в мировой финансовый рынок» -Т.: «Молия», 1999. -34/с.



**Краткое содержание диссертационной работы Бердиярова
Бахридина Тавашаровича, выполненной по теме: «Доходность
активных операций коммерческих банков»**

Диссертационная работа посвящена изучению проблемы повышения доходности активных операций коммерческих банков.

Основной **целью** диссертационной работы является раскрытие сущности основных проблем, связанных с повышением доходности активных операций, и разработка соответствующих конкретных предложений.

Работа состоит из введения, трех глав, заключения и списка литературы.

Во введении обоснована актуальность проблемы, определены цель и задачи проводимого исследования, отражены научная новизна, теоретическая и практическая значимость, объект, предмет, методология и методика исследования.

В первой главе раскрыть сущность банковских активов, проведен критический анализ действующих критериев их классификации, а также отражено современное содержание банковских доходов.

Во второй главе представлен анализ современного состояния активных операций коммерческих банков с точки зрения их доходности.

В третьей главе выявлены основные проблемы, связанные с повышением доходности активных операций банков, и обоснован ряд конкретных предложений по решению этих проблем.

В заключительной части работы изложены основные выводы и предложения автора.

**Summary of Dissertation on
“Profitability of Asset-side Operations of Commercial Banks”
prepared by Bakhridin T. Berdiyarov**

The dissertation is devoted to the issue of increasing profitability of asset-side operations of commercial banks.

The main objectives of the dissertation:

(1) to disclose the essence of fundamental problems associated with increasing profitability of asset-side operations

(2) to work-out concrete proposals on the subject in study.

The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, and bibliography.

In introduction the author proves the urgency of the problem, defines objectives and tasks of conducted research, describes the scientific novelty of dissertation, its theoretical and practical importance, and also the subject, methodology and methodic of research.

In the first chapter the author debates the essence of banks' assets and analyses current criteria of their classification, defines contemporary structure of banks' revenues.

The second chapter presents analysis of current status of commercial banks' asset-side operations in terms of their profitability.

The third chapter discloses basic problems of increasing profitability of banks' asset-side operations and substantiates the series of concrete proposals on how to tackle these problems.

The conclusive part of the dissertation summarizes main outlines of the author's conclusions and proposals.

Босишга рухсат этилди	15. 04. 2002
Кочоз бичими	30/42 1/4
Нашр ҳисоб varaғи	1.2 б.т.
Адади	100 нусха.
Буюртма	№ 3

**Тошкент Молия Институтини босмаҳонасида
«RISO» нусха кўпайтириш қурилмасида чоп этилди.
700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй.**

